ЎзССР Давлат китоб палатаси
29063

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 11 август, пайшанба № 127 (21.731). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Эрон Ислом Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди.

Ислом Каримов Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, халқларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболлари хусусида сўзлади. Бу ўринда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, имзоланган ҳужжатларда баён этилган мақсадларнинг тўла амалга оширилишига эришиш муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Эрон ҳамкорлиги минтақада тинчлик ва осойишталикнинг қарор топишига катта ҳисса қўшишини қайд этди.

Эрон ташқи ишлар вазири Ислом Каримовга Президент Ҳошимий Рафсанжонийнинг қизғин саломини етказди. Эрон—Ўзбекистон қўшма комиссияси мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, савдо алоқаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратишига ишонч билдирди. Жаноб Вилоятий Тежен-Серахс темир йўли қурилишини жадаллаштириш икки томон учун ҳам манфаатли бўлишини маъқуллар экан, унда Ўзбекистоннинг иштироки хусусидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

Учрашувда Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид . Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА

БАЙРАМ БУЮРТМАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги кунида Мустақиллик майдонида бўладиган концерт ранг-баранглиги билан барчанинг хотирасида узоқ сақланиб қолиши шубҳасиз. Республикамиз санъати барча қирралари билан намоён бўладиган бу концертда етук ва ёш спортчилар ҳам иштирок этади.

Режиссёрлар, спорт мураббийлари, хореографлар, оммавий томошалар уюштирувчи бадиий раҳбарлар бу байрамнинг ниҳоятда ёрқин бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бу қутлуғ ишдан меҳнат жамоалари ҳам четда қолмаяпти. Масалан, Тошкентдаги «Малика» акционерлик жамияти байрамда иштирок этадиган болаларга атаб юзта оқ майка билан шорти, қизлар учун эса 60 жуфт махсус либос тикиб берди. Байрам буюртмасининг барчаси қисқа муддатда, сифатли бажарилди.

ФАВВОРАЛАР ИШГА ТУШАДИ

Наманган вилоят марказидаги бош майдон — Мустақиллик майдонида қурилиш ишлари қизғин кетмоқда. Бу ерда байрам тадбирлари ўтказиладиган очиқ саҳна ҳамда қарийб икки минг кишига мўлжалланган ёзги зал барпо этилмоқда.

Қурилиш ишлари тугаганидан кейин майдоннинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетади. Байрам кунлари кўп сонли фавворалар ишга тушади. Наманганнинг бу бош майдонидаги ишларга вилоятнинг барча қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Чунки, ҳали бажариладиган иш жуда кўп, муддат эса, тобора қисқариб бормоқда.

(ЎзА).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар воқеалар хабарлар

• *Хусусийлаштириш*

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Янгиердаги «Тошгул» хусусий фирмасининг ташкил топганига тўрт йил бўлди.

Бу даврда корхона маҳсулоти вилоят, қолаверса, республика шаҳарларигача етиб борди. Бу ерда маҳаллий хом ашёдан чарм-пўстин, қўлқоп, аёллар костюми каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Кийим-кечак тикадиган хусусий фирма маҳсулотлари билан Туркия ишбилармонлари ҳам қизиқиб қолишди. Фирма президенти А. Мамашоевнинг таъкидлашича, яқинда Туркия фирмалари билан ўзаро маҳсулот алмашиш тўғрисида шартномалар тузилган. Бу билан корхонанинг иқтисодий имкониятлари кенгайди. Шундай қилиб, Мирзачўлдаги хусусий фирмалар жаҳон бозорига одимламоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

• *Қишлоқ саноати*

«УМИД»НИНГ ҚУВВАТИ ОШАДИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Қизилтепа туманида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кичик корхоналар сонини кўпайтириш, уларга қишлоқ ёшларини кўпроқ жалб этишга аҳамият берилмоқда. Тумандаги «Тавоис» жамоа хўжалигида ташкил этилган «Умид» кичик корхонасида асосан кўрпа ва кўрпача тайёрланади, бўз қайта ишланади. Бу ерда 30 нафар хотин-қиз ишга жалб қилинган. Замонавий асбоб-ускуна ва ихчам тикув машиналари билан жиҳозланган корхонада кунига 20-25 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари чиқарилмоқда. Шунингдек, катталар ва болалар кийим-кечаклари ҳам тикиляпти. Келгусида корхонани кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватини 2-3 ҳисса ошириш мўлжалланган.

Музаффар ШАРОПОВ.

• *Тижорат*

ИЗБОСКАНЛИКЛАР ҲИММАТИ

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Шаҳар аҳолисини сахий ёз неъматлари билан таъминлашдек хайрли ишда избосканликлар ҳам ибрат кўрсатишмоқда.

Шаҳарнинг Қўшариқ даҳасида савдо ярмаркаси ишлаб турибди. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозор баҳосидан анча арзон нархда сотилмоқда. Салкам бир ой ичида қарийб миллион сўмлик маҳсулот келтирилиб, савдога қўйилди. Хусусан, 125 тонна сабзавот, 40 тонна мева, 14 тонна картошка, 12 тонна буғдой етказиб берилди. 20 сўмдан 15 тонна гўшт сотилди. Далалар саҳовати билан тўлдирилган бундай ярмарка истиқлол байрами кунларигача давом этади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

• *Хайрли тадбир*

ИҚТИСОДИЁТ САБОҚЛАРИ

ЖИЗЗАХ. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Республика тадбиркорлар банки, Сўғурта бош бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан фермер-деҳқон хўжаликларини кредит билан таъминлаш тартиби, сўғурта ва гаровга қўйишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича семинар-кенгаш ўтказилди.

Ўзига хос иқтисодиёт ўқувини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Соатов қисқача сўзлаб, очди. Республика вазирликлари ва идораларидан таклиф қилинган мутахассислар кун тартибидаги масалалар бўйича малакали чиқишлар қилдилар. «Ўзтадбиркор» банки раиси А. Юсупов фермер ва шахсий деҳқон хўжаликларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кредитлар билан таъминлаш борасидаги қонун ва фармонлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритди, семинар-кенгаш иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Республика қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Б. Раҳмонов фермер ва шахсий деҳқон хўжаликларига ер ажратиш, ундан фойдаланишни назорат қилиш, фермер ва деҳқонларнинг Тадбиркор банки билан алоқа ўрнатишдаги ҳаққуқуқлари тўғрисида сўзлади. Семинар-кенгашда Бахмал тумани фермери Н. Мухторова, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Р. Юнусов ва бошқалар сўзга чиқиб, фермер-деҳқон хўжаликлари ишларини ташкил этишнинг илғор усуллари, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар ва муаммолар хусусида фикр юритдилар.

Кейдиёр ЖУРАҚУЛОВ.

• *Ишбилармонлик*

ҚАНДОЛАТ КЎПАЯДИ

Байрамолди кунларида Беруний агросаноат комбинати цехларида иш қизиб кетди.

Чунки, бу комбинат маҳсулоти дастурхонга кўрк бағишлайди. Бу ерда колбаса ва нон маҳсулотлари, лимонад ва музқаймоқ ишлаб чиқарилади. Ҳозир Германиядан сотиб олинган машиналар ёрдамида турли-туман конфетлар ва бошқа ширинликлар ишлаб чиқарилмоқда.

Берунийлик қандолатчиларнинг ҳунари бутун Қорақалпоғистонда машҳур. Комбинат жамоаси Ўзбекистон мустақиллиги байрами шарафига маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга қарор қилди.

• *Совға*

ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

Тошкентдаги «Малика» акционерлик жамияти ходимлари янги ўқув йили олдидан мактаб ўқувчиларига яхши совға тайёрлади.

Бу ерда газламадан кўк ва тўқ қизил рангда 190 минг жуфт спорт кийими — шим ва футбол майкаси тикилиб, ҳозир республикамизнинг турли шаҳарларидаги дўконларга келтирилмоқда.

Йил охиригача бу тақчил кийимдан 300 мингта ишлаб чиқарилади.

(ЎзА).

САМИМИЙ СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 август куни Марказий Осиё—Америка Тадбиркорлик жамғармаси раиси Стефан Соларзни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштиришнинг бориши тўғрисида сўзлаб берди.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш бобидаги сиёсатимиз изчил, аниқ ва пухта,— деди республикамиз раҳбари.— Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кенгайтириш йўлидан борар эканмиз, мутахассислар тайёрлаш, молиявий, техник ёрдам борасида жамғармангиз кўрсатажак кўмак яхши самаралар беришига умид қиламиз.

Жаноб С. Соларз ташрифи мобайнида Ўзбекистон ҳукумати вакиллари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан учрашгани ҳақида тўхталиб, самимий ва ишчан мулоқотлардан мамнунлигини изҳор этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов ҳамда В. Чжен қатнашди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири доктор Али Акбар Вилоятий 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов билан учрашди.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Эрон парламентларида амалга оширилаётган ишлар хусусида ўзаро фикр алмашилди. Ҳар икки мамлакат парламентлари давлатларимиз ўртасидаги азалий ҳамкорликни тиклаш ва давом эттириш йўлида самарали фаолият кўрсатаётгани қайд этилди. Бу борада парламентлараро дўстлик гуруҳларини тузиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров, Олий Кенгаш қўмиталари раислари қатнашди.

* * *

Шу куни Эрон ташқи ишлар вазири доктор Али Акбар Вилоятий Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов билан ҳам учрашди.

Ў. Султонов меҳмонга мамлакатимизда кечаётган иқтисодий жараёнлар ҳақида гапириб берди. Суҳбат чоғида икки томонлама иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш хусусида фикрлашилди.

Учрашувларда Эроннинг фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний иштирок этди.

(ЎзА).

ИСЛОҲОТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ— ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тошкент вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Икромов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар иқтисодий ислоҳотни, хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўшма ва кичик корхоналар фаолиятини янада ривожлантириш, шунингдек, алоқа, транспорт соҳаларидаги камчиликларга тезроқ барҳам бериш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов сўзга чиқди.

ЎзА.

ТАДБИРКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЯДИ

9 август куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В. Чжен Марказий Осиё-Америка тадбиркорлик жамғармаси раиси Стефан Соларз бошчилигидаги ишбилармонлар билан учрашди.

Учрашувда республикада иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, жумладан, давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда саноатни ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Жаноб Стефан Соларз Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратилганини мамнуният билан қайд этар экан, шу сабабли Марказий Осиё — Америка тадбиркорлик жамғармаси ўзбек ишбилармонлари билан янада кенгроқ ҳамкорлик қилишга қарор қилганини таъкидлади.

Шу куни делегация аъзолари республика Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов билан ҳам учрашдилар.

Учрашувларда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лин Кларк иштирок этди.

(ЎзА).

• *Янгилик қалдирғочлари*

САВДОГАР

УРГУТ ТУМАНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА ЯШОВЧИ САВДОГАР ЁҚУБ БАҲРИЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Ёқубжон, улуғ айём яқинлашяпти. Шу боис айтингчи, истиқлол сизга нималар берди?

— У бизга жаҳон бозорларининг эшигини очиб берди. Қўрқмасдан, чўчимасдан кенг кўламда иш юритишимиз учун имконият яратди.

Маълумки, собиқ Иттифоқ замонида ҳар биримизнинг изимизидан икки-учталаб БХСС ходими изғиб юрарди. Улар фақат ишбилармонлар, тадбиркорлар, савдогарларнинг пайини қирқиш билан шуғулланардилар.

Баъзан қийин шароитда қолганимизда ноёб юкларимизни алоқа бўлимлари орқали юборардик. Биздан яширинча посилка қутиларимиз ноқонуний йўл билан очиларди. Ичидаги нарсалар олиниб, ўрнига пахта, ҳар хил бошқа латта-путталар тиқиб қўйиларди.

Ўзингиз айтинг, ҳалол савдогарликнинг нимаси ёмон? Бу ўғирлик ҳам, бировнинг ҳақига хиёнат ҳам эмас-ку. Юртлардан юртларга, шаҳарлардан шаҳарларга камёб, бозоргир молларни олиб ўтиш, холос.

Инқилобдан олдинги замонда савдогарлар иззатда, ҳурматда бўлганлар. Турли-туман юкларни катта карвонлар орқали олиб келганларида уларни мамлакат подшолари, шаҳар ҳокимлари тантанали кутиб олганлар. Чунки савдогарлар карвони оралаган шаҳарларда, бозорларда нархнаво тушган, файзу барака кўнган.

Мустақилликни биз бошқаларга кўра кўпроқ олқишлаймиз. Ота-боболаримиз кўролмаган бу мўътабар неъматга етказганлиги учун шукрона айтамиз.

— Собиқ Иттифоқ руҳи билан яшаётганлар савдогарликни ҳали ҳам яхши ҳазм қилолмаяптилар. Орамизда эрта-индин бу соҳанинг ташаббускорлари ва фаолларига ҳужум бошланишини кутиб юрганлар ҳам бор. Сизнингча, улар адашмаяптиларми?

— Савдогарликка қарши фақат собиқ Иттифоқ даврида курашиб яшадик. Ҳолбуки, инсоният ақл-идроки шакллангандан буён бу соҳа ривожланиб келяпти. Буюк ипак йўлини эслайлик. Юзлаб, минглаб савдогарлар кунчиқар мамлакатлардан то кун ботар юртларгача от ва туяларда ҳафталаб, ойлаб йўл босганлар. Ҳатто, қадимги даврда Самарқанд шаҳри бозорларида ўспиринлар ҳам савдога тортилиб, улар рус, инглиз, араб, ҳинд тилларини яхши ўзлаштириб олган эканлар. Узоқ юртлардан келган савдогарлар билан исталган тилда тилмочларсиз савдо-сотиқ қилаолганлар.

— Савдогарлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаслигини яхши биламиз. Бу соҳага кўпроқ қандай кишилар жалб қилиниши яхши натижалар беради?

— Савдогарлик буйруқбозлик билан чиқиша олмайди. Унга дўқ ёки қўрқитиш билан ҳеч кимни жалб қилолмайсиз.

Ҳозир шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам кўпчилик ўзини савдогарликка урган. Бу бизни севинтиради. Чунки савдогари кўп юртнинг албатта бойиб кетиши тўғри гап. Бироқ бу иш қўлидан келмайдиган кишилар ҳам оёқ остида ўралаётган экан, халқимизнинг ҳаётини ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИ АМАЛДА

Мана қарийб уч йилдирки, Ўзбекистон ўзининг миллий истиқлоли йўлидан дадил одимламоқда. Юртимизда адолатли, инсонпарвар, демократик жамият, маданий, ҳуқуқий давлатчиликнинг тамал тошлари қўйилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг машаққатли даврида мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий муҳофаза этишнинг зарурий чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ватанимизнинг Марказий Осиё, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва жаҳоннинг бошқа хорижий мамлакатлари билан ҳар томонлама мустаҳкамланиб бормоқда.

Мустақиллик йиллари амалга оширилган хайрли ишлар, истиқлолимизни мустаҳкамлаш борасида олдимизда кўндаланг турган қатор жиддий муаммолар, вазифалар хусусида кўп гапириш мумкин. Биз улардан фақат биттасига жамоатчилик диққат-эътиборини жалб этишни мақсадга мувофиқ деб топдик. У ҳам бўлса — маънавият, аниқроғи, мафкура масаласи. Бунинг иккита асосий сабаби бор.

Биринчидан, маънавият, мафкура ижтимоий ҳаётимизнинг ўзига хос жиҳати бўлиб, уларда, бамисоли қатрада қуёш акс этганидек, бутун воқелигимиз ўзининг муайян ифодасини топади.

Иккинчидан, кейинги пайтларда миллий истиқлол мафкураси, унинг моҳияти, мазмуни, ижтимоий-сиёсий вазифаси масаласи кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бугун ушбу масаланинг хилма-хил, ҳатто, бир-бирига мутлақо зид нуқтаи назарлардан талқин этилаётганлиги кўпчиликка сир эмас. Масалан, бировлар миллий истиқлол мафкурасини яратмоқ зарур, десалар, бошқалар уни аллақачон, яъни халқимиз томонидан қадим-қадимдан яратилган, демоқдалар. Бировлар уни жамиятнинг иқтидорли, истеъдодли намояндалари шакллантирадилар десалар, бошқалар — мафкурасиз на бирон-бир инсон, на бирон-бир жамият бўлмайди, демоқдалар. Бировлар мафкурани яратиш, уни омма онгига сингдириш муайян гуруҳлар, сиёсий партияларнинг иши, десалар, бошқалар — мафкурани халқ яратади, демоқдалар. Бировлар мафкура сиёсий фаолият дастури сифатида партиянинггина мулки бўлиши мумкин десалар, бошқалар —бутун халқ учун ҳам алоҳида мафкура зарур, демоқдалар. Конституциямизда (12-модда) «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейилишига қарамай, айрим давлат ташкилотларида аллақандай, соҳиби номаълум миллий истиқлол мафкураси, уни яратиш, ўқитиш, тадқиқ қилиш ҳақида сўз юритмоқдалар, муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар ва ҳоказо.

Булар, бир томондан, жамиятимизда фикрлар хилмахиллиги қарор топаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, мазкур масалани тўғри тушуниш, унга ойдинлик киритиш йўлида ҳали анча ишлар қилиниши кераклигини кўрсатиб турибди.

Шўролар мустабид тузумнинг инқирози, Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигининг эълон қилиниши олдимизга ҳаётнинг қатор жабҳаларини чуқур таҳлил этиш вазифасини қўйди, маънавият, мафкура масалаларини ижтимоий турмушимизнинг ўта долзарб муаммоларига айлантирди. Устига устак, мустақиллигимизнинг илк босқичи кейинги 70 йилдан ортиқроқ давр мобайнида шакилланган қарашларимиз, тасаввурларимизни бир зумда чил-парчин, остин-устун қилиб ташлади. Натижада, биз кўплаб куни кеча ўзгармас, муқаддас ва абадий, деб қаралган нарсалардан воз кеча бошладик. «Мафкура» деб аталмиш соҳа ҳам бундан четда қолмади. Ваҳолонки, у узоқ йиллар давомида кўпчиликнинг оғзидан тушмас, мафкура деганда, ҳатто, баъзиларни қалтироқ босарди. Шу боис, балки, одамлар ундан зада ҳам бўлгандилар...

Кўп ўтмай шуни англаб етдикки, нимагадир ишонмай яшашнинг ўзи бўлмаган иш экан... «Худога ҳам, шайтонга ҳам ишонмаган кишидан қўрққин», деб бекорга айтмасалар керак, албатта.

Энг муҳими, жамиятда одамнинг ўзига ишониб яшашининг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий шарт-шароитлари яратилмоғи лозим. Буни, ўз навбатида, маънавиятнинг, мафкуранинг тегишли шакли, тизимисиз ҳеч ҳам амалга ошириб бўлмаслиги турган гап.

Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг маънавиятсиз тараққиёт йўқ, олдимиздаги энг муҳим вазифа — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, деган сўзлари кўпчиликнинг, хусусан, зиёлилар қалбини ёритиб юборди.

Дарҳақиқат, маънавият, мафкура ҳаётнинг ўзи каби серқирра, сержило ва мураккаб ҳодисалар бўлиб, мабодо, кечаги ўтмишимиз маънавияти, мафкураси кўнглимиздагидек бўлмаган экан, бу мутлақо улардан умуман воз кечиш керак, дегани эмас.

Хўш, мафкура ўзи нима? Мафкура кишиларнинг воқелик тўғрисидаги барқарор тасаввурлари мажмуидан иборат. Табиат, жамият, мулк, иқтисод, маънавият, давлат, сиёсат, ижтимоий муносабатлар воқеликнинг энг муҳим томонларини ташкил этадилар. Мафкура, айни пайтда, маънавиятнинг марказ, унинг қаймоғи. Унда, маънавият нима? Маънавият — инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули. Алишер Навоий, ҳар ишки қилмиш одамизод, тафаккур бирла билмиш одамизод, деганида маънавиятсиз кишининг инсонликка мансуб эмаслигини эътироф этган.

Маънавият нималарда ўз ифодасини топади? Амалий жиҳатдан, умуман, кенг маънода, унинг барча хатти-ҳаракатларида, тор маънода эса, маънавият одамларнинг фалсафий, диний, бадиий, ахлоқий ва ҳоказо қарашларида намоён бўлади. Бироқ, бундан инсонлар она қорнидан ушбу хислатлар билан туғилар эканларда, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Одамларга мазкур хислатларни ўзларида шакллантириш имконияти берилган. Бу имкониятлардан фойдаланиш у ёки бу жамиятда маънавият қай даражадаги қадрият эканлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, маънавият тўғри ёки нотўғри, илғор ёки қолоқ, илмий ёки ғайриилмий йўналган бўлиши мумкин.

Мафкура маънавиятнинг ўзига хос кўриниши, намоён бўлиш шакли сифатида маънавиятнинг тегишли соҳаларига таяниб, муайян халқ, миллат, ижтимоий гуруҳлар, табақалар манфаатларини ифода этиш мақсадида, жумладан, қуйидаги саволларга жавоб беришга даъват этилган: дунё, ҳаёт ўзи қандай тузилган? Уларни ўзгартириб бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак? Биз ўзи нима истаймиз? Мақсадларимиз нима? Уларга қандай йўллар билан эришмоқчимиз ва ҳоказо.

Инсоният пайдо бўлгандан бери унинг юксак ақлзаковат соҳиблари ушбу саволларга жавоб ахтариб келмоқдалар. Жамият тараққиётининг демократик босқичига келиб, уларни таҳлил қилиш ҳамда амалий жиҳатдан ҳал қилиш ишига давлат ҳокимиятини қўлга олиш орқали сиёсий партиялар киришдилар. Адолат учун ҳамиша кураш олиб борилган бўлса-да, у ҳамиша муайян мазмунга эга, ўз даврининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган. Адолатга кўпчилик эҳтиёж ҳис этган бўлсада, унинг учун юксак маънавият, ақл-заковат соҳиблари самарали курашганлар.

Демак, булардан кўриниб турибдики, ҳар бир давр ўз талабларига монанд маънавиятни ҳамда мафкурани яратади. Уларнинг таъсирчанлиги тарихий илдизларининг чуқурлиги билан ҳам белгиланади. Маънавият ва мафкура ўз-ўзидан пайдо бўлмайдилар. Уларни юксак истеъдод, иқтидор соҳиблари яратадилар, мавжуд йўллар орқали омма онгига сингдирадилар. Омманинг манфаатини ифода этган мафкурагина унинг қалби, фикри-ёдини чулғаб олиши, амалий хатти-ҳаракатининг қудратли омилига айланиши мумкин. Мафкурани халқ эмас, унинг орзу-умидлари, манфаатлари яратади. Қайси сиёсий партия томонидан яратилганига қарамай, халқнинг кўпчилигининг қўллаб-қувватлашига эришган мафкура мазкур халқ, унинг давлатининг расмий ўрнатилмаган, аммо, кўпчилик эътироф этган мафкураси ҳисобланади. Сиёсий партиялардан ташқарида сиёсий мафкура бўлишлигини зарур, деб ҳисоблаётганларнинг унда ифода этилган мақсадларга қандай эришмоқчи эканликларини тушуниш амри маҳол, албатта. Ахир, мафкура фақат маърифий ҳужжатгина эмас-ку!

Мафкуранинг моҳияти ва ижтимоий вазифасининг худди мана шундай тушунилишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши X пленуми (1993 йил 27 декабрь) партия Раиси, республика Президенти И. А. Каримов даъватига жавобан Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ҳужжатини ишлаб чиқди ва дастурилмал сифатида қабул қилди ҳамда барча партия ташкилотларига уни изчиллик билан амалга оширишни тавсия этди. Ўзбекистон ХДП фаоллари томонидан жамоавий тарзда ишлаб чиқилган, бир неча ой давомида партия аъзолари (290 мингдан ортиқ) ва партиясиз фуқаролар (600 мингдан зиёдроқ) томонидан ошкора, кенг (лойиҳа матни «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари саҳифаларида чоп этилди, партия ташкилотларига юборилди) муҳокама қилинган ушбу ҳужжат мамлакатимиз жамоатчилиги томонидан илиқ кутиб олинди, ижобий баҳоланди.

Миллий истиқлол мафкураси хусусида фикр-мулоҳаза, баҳслар ҳанузгача давом этаётган (бу, албатта, табиий ҳол) бир пайтда Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасининг яратилиши партиямиз ақл-заковати, илмий салоҳиятининг муҳим кўрсаткичи, республикамиз маънавий-сиёсий ҳаётининг жиддий ҳодисаси сифатида намоён бўлди.

Ватанимиз халқлари турли табақалари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган мазкур партиявий ҳужжатнинг Ўзбекистон ХДП аъзолари, кенг халқ оммаси томонидан чуқур ўрганилишини, тарғиб ва ташвиқ қилишни ташкил этиш уни ҳаётга татбиқ қилиш ишининг дастлабки босқичи, деб қаралди. Ушбу мақсадда Мафкура матни партиямиз бош нашрлари — «Ўзбекистон овози» (1994 йил 8 январь), «Голос Узбекистана» (1994 йил 7—13 январь) газеталари, «Мулоқот» журнали (1994 йил, №№ 3—4), Жиззах, Наманган вилоят партия кенгашлари нашрлари, «Сурхан тонги», «Заря Сурхона» ва бошқа газеталар саҳифаларида чоп этилди. У, шунингдек, ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон» нашриёти томонидан алоҳида рисолалар тарзида ҳам кўп минг нусхада босиб чиқарилди. Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини партиямиз ўқув тизимида мунтазам ўрганишнинг режаси, дастури ишлаб чиқилди, уни тарғиб қилиш, ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция, семинар-кенгаш, давра суҳбатларининг тахминий мавзулари шакллантирилди, партия матбуоти саҳифаларида эълон қилинди, ташкилотларимизга юборилди.

Марказий Кенгаш қабул қилаётган барча муҳим қарорларда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, аъзолари, фаолларининг диққат-эътибори партиянинг нуфузи мафкуравий ҳужжатида ифоланган ғоялар салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилмоқда. Партия раҳбарлари, ходимлари, фаоллари, бизга ҳайрихоҳ фуқаролар, хусусан, зиёлилар ўзларининг оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ғоялари заминида ётган маънавий-сиёсий ҳамда илмий салоҳиятни очиб бермоқдалар.

Маҳаллий партия кенгашлари ўзларининг пленумлари, ижроия бюроларининг кенгайтирилган йиғилишлари, бошланғич ташкилотларимиз мажлисларида Миллий истиқлол мафкураси ғояларини тушунтириш ва рўёбга чиқаришнинг истиқболи ҳамда жорий режаларини туздилар, уларни изчиллик билан амалга оширишнинг чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Жойларда, таркибида олимлар, адиблар, ўқитувчилар, врачлар, партия фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари тегишли йўналишда иш олиб бормоқдалар. Бу ишда ҳокимликлар, турли давлат муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг самарали шакллари қўлланилмоқда. Чунончи, партиямизнинг Сирдарё, Хоразм ва бошқа қатор вилоят, шаҳар, туман кенгашлари мафкурамиз ғояларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Термиз шаҳри маорифчилари ўртасида эса ёшлар тарбияси мавзуига бағишланган туркум давра суҳбатлари ўтказилди.

Шунингдек, ташкилотларимиз Қорақалпоғистон Республикаси, кўпчилик вилоятларда айни мафкурамиз мазмунини тарғиб этиш мақсадида ягона сиёсий кунлар, махсус ойликлар (Фарғона вилоятида) ташкил этмоқдалар, маҳаллий матбуот саҳифалари, телевидение, радиоэшиттириш тармоқлари орқали юзлаб мақолалар, суҳбатлар уюштирмоқдалар. Бу ўринда биз Хоразм, Андижон, Жиззах вилоятлари, Бағдод, Пахтакор туманларида амалга оширилаётган ибратли ишларни қайд қилмоқчимиз. Чунончи, Бағдод тумани партия кенгаши ҳокимлик билан биргаликда «Иқтисодий ислоҳот ва миллий истиқлол мафкураси» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказган бўлса, Жиззах вилоят партия кенгаши Пахтакор туманида «Самарқанд» ижара ширкатлар бирлашмасида ва «Меҳнат» деҳқон (фермер) хўжалигида вилоят хўжаликлари раҳбарлари кўргазмали семинарларининг ташкилотчиси бўлди.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари мафкуранинг ижтимоий ва маънавий соҳаларга оид ғояларини тарғиб этиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда ҳокимликлар билан бир қаторда жамоат, хусусан, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан биргаликда ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Боёвут туманидаги «Ғалаба» ижара ширкатлар уюшмасида «Янги урф-одатлар, маънавий қадриятлар» мавзусида, Сирдарё, Хўжаобод туманида ўтган Андижон вилояти семинари эса «Соғлом авлод учун», деб аталди. Қизириқ (Сурхондарё вилояти) туман ХДП кенгаши «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида шанбаликлар ўтказди. Шундай кўмак бошқа шаҳар ва туманларда ҳам уюштирилмоқда.

Тошкент шаҳар, Навоий ва Фарғона вилоятларида «Ватан оиладан бошланади», «Ватанни севмак иймондандур» ва бошқа мавзуларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Хоразм вилояти, Жиззах шаҳри, Балиқчи тумани, қатор бошқа вилоят, шаҳар ва туманларда оила йилига бағишлаб «Энг намунали оила» шиори остида танлов ўтказилди. Хусусан, Жиззах шаҳар партия кенгаши «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда бу борада амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан тузилган «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази билан ҳамкорлик бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтаришига аминмиз.

Кадрлар сиёсати масаласи, табиийки, мафкурамиздан алоҳида ўрин олган. Партия ташкилотларимиз Ўзбекистон ХДП Раиси, республика Президенти И. А. Каримовнинг раҳбар кадрларга нисбатан талаблари ва кўрсатмаларига амал қилиб, барча даражалардаги масъул лавозимларга партиямизнинг муносиб аъзоларини тавсия этмоқдалар. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Нарпай, Тойлоқ, Пастдарғом ва Челак туманларида бу ҳолни яққол кузатиш мумкин. Шу йилнинг биринчи ярмида Жиззах вилояти партия ташкилотлари томонидан 20 нафардан зиёд партия ходими ҳокимликлар, корхона ва хўжаликлардаги раҳбарлик лавозимларига тавсия этилди. Хоразм ва бошқа қатор вилоятларда кадрлар билан ишлашнинг мунтазам тизими шаклланмоқда. Албатта, бу, яъни кадрлар сиёсати, партиянинг имтиёзи эмас, балки, авваламбор, унинг юксак масъулиятидир.

Ҳур диёримизда ўтиш даврининг қийинчиликлари, мураккаблигига қарамай, сиёсий барқарорлик, осойишталик, ижтимоий умидбахшлик ҳукм сураётган экан, демакки, бунда юртбошимиз даъватига жавобан яратилган, халқимизнинг азалий орзу-умидлари, долзарб эҳтиёжлари, истиқболли олижаноб мақсадлари ифода этилган ўз Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш билан кенг кўламларда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДПнинг муносиб улуши бор, деб фахр билан айтишга ҳақлимиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлажак сайловлар, ундан партиямиз кўзлаётган натижалар Миллий истиқлол мафкурамизни ҳаётга татбиқ этишда, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида жиддий янги босқич бўлишлигига аминмиз.

Партиямиз бундан буён ҳам И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштириш йўлини қўллаб-қувватлайверади. Зеро, Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси мазкур сиёсатнинг, мазкур йўлнинг ғоявий ифодаси, маънавий таянчидир.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИ ТАВСИЯЛАР

● **ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари маъмурияти норасмий муҳожирларга қарши курашнинг янги чораларини ишлаб чиқмоқда.**

Жумладан, яқин ойлар ичида мамлакат адлия вазирлиги бундай муҳожирларнинг АҚШда иш билан таъминланишига чек қўйиш йўлида янги тавсиялар таклиф этиши лозим.

Норасмий муҳожирлар муаммоси Қўшма Штатларда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўтган йилнинг ўзида 300 минг нафар хорижлик фуқаро мамлакат ҳудудига ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний йўл билан кириб келган. Ҳозирда умумий сони 3,2 миллионга етган бундай кишилар оғир ва кам ҳақ тўланадиган ҳар қандай ишни бажаришга тайёр. Шу боис тадбиркорлар, хусусан, майда корхоналар эгалари бундай арзон ишчи кучидан бажонидил фойдаланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, 6—7 фоиз ишсизлар мавжуд Америка Қўшма Штатларида туб аҳолининг «норасмий»лардан норозилигига сабаб бўлмоқда.

БМТНИНГ ҚИЙИН МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ

● **ЛОНДОН. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига аъзо 15 давлат бошлиқлари иштирокида келаси йилнинг январь ойида ўтадиган махсус учрашув жаҳонда тинчликни сақлаш борасида халқаро ҳамжамият ҳомийлигида ўтказиладиган тадбирларга бағишланади.**

Бу ҳақда хабар берган «Таймс» газетасида таъкидланишича, тинчликпарвар кучлар Босния ва Герцеговинадан Руандага қадар —турли минтақаларда кенг миқёсда амалга ошираётган операциялар БМТни қийин молиявий аҳволга солиб қўйган. Шунинг учун махсус учрашувда тинчликпарвар кучлар сафини жадал кенгайтириш билан боғлиқ аввалги режа ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин.

ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ОҚИБАТИ

● **ГАВАНА. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган тартибсизликлар оқибатида бир киши ҳалок бўлди, 35 нафар киши яраланди, деб хабар беради «Хувентуд Ребельде» газетаси.**

150 кубалик йўловчи тушган катерни эгаллаб, АҚШга қочишга уринган қуролли гуруҳ билан тўқнашув чоғида бир полициячи ўлдирилган, сувга ташлаб юборилган иккинчи полициячининг тақдири номаълум қолмоқда. Ярадорлар ичида ҳам 10 нафар тартиб посбони бор. Газетада айтилишича, тартибсизликларнинг сабабчилари ҳибсга олинган ва улар яқин кунлар ичида қонун олдида жавоб берадилар.

НИЗО АВЖ ОЛМОҚДА

● **ЛОНДОН. Буюк Британнияда христиан динининг мазҳаблари бўлган протестант ва католик жамоалари ўртасида низо авж олмоқда.**

Якшанба куни кечқурун 38 ёшли ҳомиладор католик аёл протестантлар томонидан ўлдирилди. Ирландия черкови протестантларнинг бу қилмишини қаттиқ қоралади.

ОМБОР ПОРТЛАДИ

● **ПЕКИН. Цзянси ҳудудида юз берган портлаш натижасида 73 киши ҳалок бўлди ва 99 киши жароҳатланди.**

Ўқ-дори сақланадиган бу омборда 8 тонна портловчи модда бўлган. Махсус давлат қўмитаси текширув ишларини бошлади.

ЁРДАМ СУРАЛМОҚДА

● **ВЛАДИВОСТОК. Приморье ўлкаси ҳокими Евгений Наздратенко Россия раҳбариятидан ўлкадаги ҳарбий заводлар конверсиясини тўхтатиш ва чет давлатлар билан ҳарбий савдо қилишга шароит яратиб беришни сўрамоқда.**

Унинг фикрича, жаҳон андозаларига жавоб берадиган юксак технологияли корхона ўлка ва давлат хазинасига катта маблағ олиб келиши мумкин.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ПАРТИЯ АҲБОРОТИ

«МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ»

Куни кеча республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Қашқадарё вилоят бўлими истиқлолимизнинг уч йиллиги шарафига «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди. Унда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларининг котиблари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, фахрийлар, диний идораларнинг намояндалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов маъруза қилди.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон ХДП Чиноз туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. А. Носиров Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП Чиноз туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Илгари шу туман партия кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Т. Умаров Чиноз тумани партия кенгаши биринчи котиблигига сайланди.

Пленумда туман ҳокими Э. Бердиев, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби У. Турғунов сўзга чиқдилар.

Э. ХУЖАЕВ.

Иқтисодий ислоҳот: изланишлар, самаралар

МАСХАР ЭКИНГ, ЧЎМИЧИНГИЗ МОЙДА БЎЛАДИ

Маннон Бердиев иқтисодчи. Майда ва ўрта тижоратни ривожлантиришга ҳамкорлик қилиш жамғармасининг бошлиғи.

Унинг одати шунақа: бировдан ўпкалаб ёки аразлаб юрмайди. Шошилмайди, ҳовлиқмайди. Ҳаёлида кечган ўй-фикрлардан ўзига маъқулини танлайди-да, шу танловни маёқ қилиб ишлайверади.

Шу одат денг, «Масхар» деган ўсимликнинг «изига тушди».

— Мен мансаб талашмадим, имтиёз даъво қилмадим,— дейди Бердиев,— мен нуқул қоғозга термулиб ўтирмасдан, бирон амалий ишга бош қўшай дедим.

Бердиевнинг бир неча йил вилоят режалаштириш идорасининг сардори бўлиб ишлаганидан хабардор одам унинг «мен мансаб талашмадим», деган гапининг маъносини дарҳол англаб қўя қолади, ўзи ҳисоб-китобга пухта. Масхар — бугунги кунимизга энг керакли зироатлардан бири, деб баҳолаши ҳам ҳисоб-китобга пухталигидан, Керакли томони шундаки, масхардан мой олинади. Тўғри, Бердиев кунига 850 тонна атрофида чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлган вилоятдаги йирик саноат корхонаси — Денов мой оқлаш заводи кеча-кундуз гуруллаб ишлаб турганини, зиғир, кунжут экяпмиз, деб маҳаллий газеталарга мақолалар ёзаётган одамларни яхши билади. Лекин эҳтиёжу таъминот тарозисининг қайси палласидаги тош оғирлик қилаётганини ҳам кўриб турибди-ку!

Бердиев ўйлаганларини ҳам, бажарган ишларини ҳам қоғозга тушириб боради. Одати шунақа. Мавзуларига қараб ҳар бир ўй-фикрини қайд этиб боришга алоҳида китоб тутади. Энди масхарнинг нималигини тушунтирмоқ учун унинг қоғозларидан бир парча кўчирма келтирсак: масхар кучсиз шохланиб 60—70 сантиметр баландликда ўсади. Қозоғистоннинг жанубий вилоятларида районлаштирилган. Асл ватани — Китоб. Уруғи оқ пистадай.

Суғориладиган ерда гектаридан 45—50 центнердан ҳосил олиш мумкин. ЧКУ-4 механизми билан озиқлантирилади. Дон ўриш комбайни билан йиғиштириб олиш мумкин. 31—33 фоиз ёғ олинади. Мутахассисларнинг хулосасига кўра экологик жиҳатдан тоза мой.

Суҳбатимиз давомида М. Бердиевнинг ўйлаб-ўйлаб айтган гапи шу бўлдики, уруғ келтирилган. Жойларда экиляпти. Бироқ бу гапни ҳозирча шамоллатмай турганни маъқулми?

Хуллас, ёзмай туришга келишдик. Бироқ вилоят газетаси Сариосиё туманининг бир қатор хўжаликларида масхар экилганидан хабар бергач, бу келишув ўз-ўзидан барҳам еганини Бердиев ҳам эътироф қилар, деб умид қиламиз.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎНГЛИ ОЧИҚ ОДАМЛАР

• Ибрат

Шаҳрисабзда бўлганимда Кўзи ожизлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қиладиган бир йигит ўз ишларини мамнунлик билан сўзлади. Эшитиб туриб, унинг берилиб тасвирлаётган, лекин ўзим кўрмаган ишларини кўргим келди. Бордим. Маданий -оқартув, мафкуравий ишлар бўйича бошлиқ Ўринбосари Қаюмхон Шодмонов билан корхона бошлиғи, ишбилармон йигит Ҳасан Раҳмоновни топдик. Ишонгинг келмайди. Кўзлари... йўқ, қўллари билан «кўраётган» одамларнинг бажараётган ишлари ҳар қандай одамни шошириб қўяди.

Бу ерда Қамаши, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз тумани ва шаҳарларидан келган 145 нафар кўзи ожиз кишилар меҳнат қилар экан. Буларнинг 64 нафари хотин-қизлар. Шунингдек, Китоб тумани марказида ҳам 25 ўринга эга филиали бор. Жамоада асосан поёндоз, миллий кўрпа, шолча, намат ишлаб чиқарилади. Хом ашё Андижон, Бухоро, Тошкент ип-газлама комбинатларидан келтирилянти. Қишлоқда яшовчи ўзбекнинг хонадони учун ипдан тўқилган рангдор, арзон ва қулай поёндоз гиламчалар енгиллиги, чидамлилиги билан доимо асқотади. Ҳасанбой қимтинибгина «Ака, илғор ишчиларним газетга ёзинг, кўнгли шод бўлади», деди. «Айтинг», дейман. У секин санай бошлайди:

— Поёндоз тўқув цехидан Элмирза Мирзаев, Тилов Сатторов, Марҳабо Ҳайитова, кўрпа цехидан Қорасоч Маҳматқулова, Зиёда Раҳимова, Ҳимоят Меликова, шолча цехидан Шарифа Муҳиддинова, Ҳосият Ёдгорова, Тиловат Қурбонова, бўёқ цехидан Шуҳрат Жўраев... Исмоил Хуррамов, Абубакр Шарипов, Эшмирза Мирзаев, Нурали Воҳидовлар I- ва II-гуруҳ ногиронлари. Ҳукумат қўллаяпти, раҳмат. Ишлаш ва яшаш шароитлари ҳам яхши. Узоқдан қатновчилар учун махсус автобус ажратилган. Вақти-вақти билан турли тарихий шаҳарларга ҳаво алмаштириб келамиз. Лекин... Муаммолар ҳам йўқ эмас. Дастгоҳ ўрнатилган хоналар эски ва тор. Ҳовлимизда қиш ва баҳорда сув қўллаб ётади. Бошқа ниятлар ҳам бор. Пакет, банка қопқоқлари ҳам ишлаб чиқармоқчимиз. Аммо жой йўқлигидан қийналиб турибмиз.

Корхонадан қайтяпману кўнглимда бир шодмонлик туяман. Ана сизга фидойилик. Улар қўлари билан элнинг корига яраяптилар. Уларнинг кўнгиллари доимо ёруғ бўлсин!

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВОДИЙ ҒИЖДУВОН БИЛАН БОҒЛАНДИ

Бухоро вилоятининг сўлим шаҳарларидан бири Ғиждувонда бугунги кунда кўплаб шаҳарлар билан транспорт қатнови йўлга қўйилди. Яқинда бу кўҳна шаҳардан Қўқонга қатнайдиган янги автобус маршрути очилди. Бу йигирма саккизинчи йўналиш сифатида қайд этилди.

— Жамоамиз ҳар куни 3-4 минг кишига хизмат қилади, — дейди Ғиждувон бош бекати бошлиғи Ҳикмат Қудратов. — Янги автобус маршрутининг очилиши Фарғона водийси билан Бухоро меҳнаткашлари дўстлигини мустаҳкамлашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Қуда-андачилик, тижорат, ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланаверади.

Бу маршрутда қатнайдиган автобуслар замонавий.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишда қўқонлик Азизхон Жалилов, Раҳмонали Тожибоев, Ҳайдар Рашидов сингари ҳайдовчилар, айниқса, олқишга сазовор бўлишмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Набижон ота Махсумов кексайган чоғида ҳалол, серунум меҳнатлари туфайли фаровонликка, эл ардоғига, фарзанду шогирдлар, ёру биродарларнинг иззат-ҳурматига тўлиқ эришган нуроний-лардан. Домла умрининг азиз онлари — асосий навқиронлик даврини халққа, жамиятга бахшида этди. Ў Фарғона вилояти Бешариқ район халқ таълими бўлимига узлуксиз ўттиз икки йил мудирлик қилди. Бу даврда ўнлаб шогирдлар етиштирди, халқ таълимини юксалтириш, уни янги поғоналарга кўтариш борасида кўпчиликка ибрат кўрсатди. Меҳнатлари серунум бўлди. Муаллимлик ва бошқарув ишларига доимий равишда одамохунликни, инсонпарварликни, узоқни кўра билиш ва диёнатликни омухта қилиб борди. Шу каби сифатлар туфайли таълим тизимида маънавий муҳит соғлиғига эришди.

СУРАТДА: Набижон ота умр йўлдоши Садиҳон ая билан набиралари даврасида.

Аваз ҲАЙДАРОВ.
Ғ. ҚУРБОНАЛИ олган сурат.

БИРОВНИНГ АРАВАСИ

Истиқлолнинг уч йиллиги арафасида турибмиз. Давлат мустақиллигини эълон қилган мамлакатимиз ҳали ёш. Унинг тетапоя даврадаги дадил ва озод одимларига ҳавасла нигоҳ ташлаётганлар қаторида қоқилишига интиғу-зор бўлиб турганлар ҳам йўқ эмас. Уч йилда босиб ўтилган йўл қисқа бўлишига қарамасдан, самараси салмоқли бўлди. Шу боисдан ҳам ғаразли кимсаларнинг ичини ит тирнайди. Ахир, эркин қадам ташлаш чоғида кўзимиз очилди — ҳар биримизнинг вужудимизни қамраб олган ҳадиксираш, журъатсизлик ўрнини миллий ғурур, ватандан фахрланиш, келажакка ишонч ҳиссиётлари эгалади. Биз бугун дунё таниган, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган, ўз байроғи, герби, давлат мадҳияси, конституцияси, миллий пули, қуролли кучлари, давлат чегараси бўлган катта мамлакат фуқаросимиз. Атиги уч йил аввал эса, буларнинг барчаси ҳаммамиз учун фақат орзу, хаёл эди.

Уч йил... унинг ҳар куни, ҳар дақиқасида Ўзбекистон қандай қадам ташлаётгани-ю, нималарга эришаётганидан дунё халқлари огоҳ. Юзлаб давлатлар қучоғини катта очди бизга. Биз ҳам бағримизга босамиз, ардоқлаймиз уларни. Аммо (бегонаку бегона!) Ўз қавмларинг орасида қувониш ўрнига тўмсайиб турганларга кўзинг тушганда, баъзилари ҳатто ўз ватани, ватандошларига маломат тошлари отаётганида виждонлари қийналмасмикан деган савол хаёлга толдирар экан кишини. Жаҳон матбуотида чоп этилаётган айрим мақолаларни ўқиганда ва айниқса "Озодлик" радиосининг ўзбек тилидаги эшиттиришларини тинглаганда худди шундай ўй-фикрлар кўп қийнайди бизни. Тан оламиз, "Озодлик"нинг империя ва қуллик даврида ҳурлик йўлидаги меҳнатлари оз эмас. Жон қулоғимиз билан эшитганмиз унинг хабарларини ўша даврда. Мустақиллик кунига етиш насиб этса, ҳамкасбларимиз бебаҳо бахтимиздан суюнадилар, ёнимизда бўладилар деган ширин умидда эдик. Толеимиз кулиб, бошимизга Ҳумо қуши қўнганидан кейин эса...

Дастлабки пайтларда Мюнхендаги ҳамкасбларимиз олисда бўлганлари учун Ўзбекистондаги воқеаларни тўғри тасаввур қилолмаётган бўлсалар керак, деган фикрда эдик. Вақт ўтади, улар мамлакатимизга келадилар, кўрадилар, ҳаммаси оқилона ечимини топади деб ўзимизни овутдик. Келдилар, кўрдилар, танишдилар, биз билан дўстона мулоқотда бўлдилар, "ажойиб ўзгаришлар бошланибди!" дея ҳаяжонландилар. Олмонияга қайтиб борганларидан кейин эса, яна эски ашулаларини айтавергач, ҳайратдан ёқа ушладик. Улар қаерда Ўзбекистонга қарши сўз айтилса, шу қадар тез илғаб, эфирга олиб чиқадиларки, ҳайрон қолмай иложинг йўқ. Энг ачинарлиси шундаки мамлакатимиз ҳаётидан бехабар одам "Озодлик"ни эшитиб борса, ваҳимадан лабига учуқлар тошиши ҳеч гапмас: Ўзбекистонда тартиб йўқ, кўчалар ўғри-каззобларга тўлиб-тошган — кун ботмай ҳамма уйига қамалиб, эшикларини танбалаб олади, ўзбекдан бошқа миллатга мансуб кишиларга кун йўқ, ҳамма қочиб кетмоқда...

"Ҳой, биродарлар, инсофингиз борми! — дея ҳайқиргинг келади беихтиёр. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги арафасида мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий вазиятни бир томонлама баҳолаш яна ҳам кучайди. Радиостанция эшиттиришларини тинглаган киши таҳририят "Озодлик" радиоси ҳеч бир сиёсий партия ёки хориждаги ташкилот билан алоқада эмас ва ўзининг эшиттиришларини ҳеч қандай оппозиция, сиёсий партия ёки ташкилотга боғлиқ деб билмайди" деган принципга хиёнат қилиб, айрим саламзадалар хизматига ўтган бўлса керак, деб хулоса чиқаради.

Радиостанция минбари гап сотишу ўз юртидан камчилик топишдан ўзга ишга ярамайдиган уч-тўрт киши ва уларни қўллаб-қувватловчи айрим "ватан фидойилари" ихтиёрига бериб қўйилгани ҳам фикримизнинг исботидир. Улар кунда-кунора эфирга чиқиб, "Ўзбекистонда демократия йўқ" дея зорланишади. Президент қўйган ҳар бир қадамни, ҳукумат қабул қилган ҳар бир қарорни фақат қоралашади. Қизиғи шундаки, ана шу уч-тўрт "ватан фидойси" гоҳ ўзбек тилидаги, гоҳ рус тилидаги эшиттиришларга таклиф қилинади. Афтидан "Озодлик" радиоси ўзининг эскирган ғоясига содиқ қолиб, парчаланган СССР ҳудудида таркиб топган мустақил давлатлардаги, жумладан, Ўзбекистондаги сиёсий вазиятга ўзини маблағ билан таъминлаб турган идора манфаатидан келиб чиқиб таъсир кўрсатишга астойдил аҳд-паймон қилган кўринади.

Яқинда мазкур радиода ўзини самарқандлик Алибой Йўляхшиев деб атаган "сиёсий арбоб"нинг "фалсафий мулоҳаза"лари берилди. Бу арбоб ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай 22 миллион нафар Ўзбекистон аҳолисини онгсиз, ҳиссиз мақсадсиз дея камситди, ўзини эса ҳақиқий ватанпарвар қилиб кўрсатишдан уялмади.

"Маълумки, Ўзбекистон узоқ муддат мустамлака шароитида қолиб кетди. Шунинг натижасида халқда қуллик хусусияти жуда чуқур илдиз отган. У ғояни, мафкурани тушунмайди деса бўлади. Бу халқ ҳукуматдан қўрқишни билади, яшаб қолишга интилиш хусусияти кучли. Шунинг учун бу халқни маънавияти, қадрият, мафкура, ғоя каби тушунчалар унча қизиқтирмайди. Уни яшаб қолиш, очликдан сақланиб қолиш ҳисси қизиқтиради холос,"— дейди у.

Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма, дейдилар. "Аслида маънавият ҳисси ва қадриятлари ўз ўрнига қўйилган эркин, озод инсоннинг нони ҳамиша бутун бўлишини Ўзбекистон халқи ҳали яхши тушуниб етмайди, — дея давом этади "арбоб". Шу сабабли ҳозир ким кўп овқат ваъда қилса, ўшани доҳий ҳам, пайғамбар ҳам деяверади. Уни ҳатто худо деб юборишлари ҳам мумкин. Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда жамият тузилмаган деса бўлади. У ерда фақат советлар империясидан қолган партиявий хўжайинлар гуруҳи, қорин тўйдиришдан бошқа ғами йўқ хизматчилар мавжуд холос. Уларнинг биронтаси ҳам мафкура, ғоя нималигини тушунмайди. Масалан, бизда ўғил отани бемалол алдайверади. Ака-ука, қариндош-уруғ, диндош, ватандош тушунчалари ва уларнинг бир-бирига содиқлиги, меҳрибонлиги кўпчилигимиз учун кулгили бир ҳол".

Ўзининг маҳдуд фикрини халқига ёпиштириб, ким овқат берса, шунинг сўзини сўзлаб, уларга хизмат қилаётган мунофиқ зотлардан худо асрасин.

Энди "файласуф"нинг хулосасини эшитинг: "кўпчилигимиз учун бугун муқаддас ғоя йўқ. Муқаддас маъбуд йўқ".

Ажабо! "Озодлик"нинг ўзбек шўъбасидаги биродарларимиз Йўляхшиевнинг ноласини қандай миллий ҳиссиётлар оғушида тинглашди экан?! Ҳатто, мустамлака йилларида ҳам оллоҳга имон келтириш, ислома ва ватанга эътиқод, ота-онага ва миллий Маънавиятга эътиқод ўзбек халқи учун муқаддас бўлиб келганини наҳотки улар билишмаса? Империя ҳукмронлиги даврида минглаб, юз минглаб миллатдошларимиз ана шу муқаддас ғоялар йўлида қурашдилар, қурбон бўлдилар. Ватан туйғуси кейинги уч йилда ўзбек халқининг юрагига куч қудрат, беадоқ шукуҳ бахш этди. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилаётган ҳар бир қадам, аввало, ана шу муқаддас туйғуларнинг юксаклишига хизмат қилмоқда.

Турмуш тарзимизни ҳамон коммунизм мафкураси мезони билан ўлчаётганлар бундан атиги уч йил аввал Ўзбекистонда Амир Темурни улуғлаш, Мунаввар Қорининг номини тилга олиш, Турон тарихини тўғри ўрганиш, намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳажга бориш, рамазон ва қурбон ҳайитларни нишонлаш, ёшларнинг мачита бориб никоҳдан ўтишлари, миллий ғурур ва маънавият ҳақида гапириш қандай нохуш оқибатларга олиб келишини яхши билишарди-ку!

"Ўзбекистон ғоясиз, мафкурасиз йўлдан бораяпти", деб сафсата сотаётганлар юртбошимизнинг Олий Кенгаш XV сессиясида айтган қуйидаги сўзларини эслашса, ўзларига фойда бўларди. "Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳд қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Ўзбекистонда миллий, шарқона маънавиятга таянган мафкура яратилмоқда. 70 йиллик коммунистик ғоя билан йўғрилган мафкура ил-дизларини таг-туги билан қўпориб ташлаш айтишгагина осон. Уч йилдан буён ана шу ғояларга қарши олиб борилаётган кескин кураш ҳам буни исботлаб турибди. Уюшган жиноятчилик, коррупция, порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатларни шахсан мамлакат Президентининг ўзи очиб ташлаётгани, фош этилганлар беаёв жазоланаётгани барчага аён-ку! Шаҳарлардаги осойишта ҳаёт, далалардаги қайноқ меҳнат, одамлар кўнглидаги хотиржамлик ана шу ҳаракатларнинг натижаси эмасми? Ҳар ҳолда "Озодлик"дай нуфузли ахборот воситаси аламзада кишиларни "сайратиб" қўйишдан аввал бутун бир миллат, халқ тақдири билан алоқадор масалаларга кўпроқ эътибор берса фойдали бўларди. Миллатчи Жириновский неча ойлар давомида Ўзбекистонга, Ўрта Осиё халқларига бетўхтов маломат тошларини отди. Энди эса жаноб Александр Солженицин сурбетларча алаҳсирамоқда. Аллақандай даъволарни ўртага ташлаб, халқлар орасига, давлатлар орасига нифоқ уруғини сепмоқда. "Озодлик"даги биродарлар ҳақиқий жонкуяр бўлсалар бундай "доҳий"ларга муносабат билдирсалар бўларди. Бироқ, улар айрик муаммолар ҳақида сўзлаш ўрнига, Ўзбекистонда бирор гўдак дарахтдан йиқилиб тушса, ўзбекнинг ҳамма боласи майиб бўлиб қолди, дея аюҳаннос солишлари ҳеч гапмас.

Жаноб Йўляхшиевнинг уч кун мобайнида "Озодлик" тўлқинлари орқали жавраши ҳам айнан шундай фикр туғдиради кишида. Эмишки, республикада бугун оммавий ахборот воситалари кишилардаги бефарқлик психологиясини чуқурлаштиришни тарғиб қилармиш, Ўзбекистон фуқароларининг кўпчилиги миллийлик нима, миллий маданият нима, миллий қадрият нималигини фарқлай олмас, маданиятсиз, тарбиясиз кишилар бўлганимиздан каттаю-кичигимиз, амалдору-оддий кишимиз бемалол ўғрилик билан шуғулланаётган эмишмиз; мактабларимизда эса ҳамон коммунистик давр дарсликларидан тўла фойдаланаётган эмиш...

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларидан мутлақо бехабар, ўз қавмлари қадрини ерпарчин қилишдан ҳаловат олувчи, мактаб ҳаётидан узоқ аламзада кишиларгина шундай сўзлаши мумкин. Бировнинг аравасига тушиб қолганлар ҳам шундай бахтиқароликка дучор бўладилар. Аравага ўтиргандан кейин эгасининг гапига кирмай ҳам кўр-чи! Халқимиз "кимнинг аравасига тушсанг, ўшанинг ашуласини айтасан", деганда ана шундай кимсаларни назарда тутган. Бир пайтлар ўзини тузуккина шоир санаб юрган юртдошларимиздан бири ҳам Йўляхшиевга ўхшаб ўзгалар аравасига тушиб қолган. Қарамлик даврида Ўзбекистон тўзоқ империя асоратидан қутулишини орзу қилган бу ака истиқлолга эришганимиздан кейин, негадир суюниш ўрнига, иғвогарлар таржимонига айланиб қолди. У Россия матбуотида Ўзбекистон ҳақида қандай бўҳтонлар, миш-мишлар, сиёсий иғвогарлик мақсадидаги шарҳлар, "башорат"лар, тахминлар чиқса, уларни зудлик билан "Озодлик"ка таржима қилиб бермоқда.

Ажабланарлиси яна шундаки, "Озодлик"нинг "рус матбуоти садолари" деган рукни тўлиқ ана шу таржимон ихтиёрида. Мана бир мисол. Бундан ўн йил аввал Тошкентда яшаган Екатерина Бухарская деган журналист шу йил март ойида Тошкентга саёҳат қилибди. У саёҳатдан қайтгач, ўз таассуротларини "Утро России" газетасида чоп эттиради. Таржимон эса уни дарҳол "Озодлик"ка етказади. "Бир вақтлар Тошкентда ҳам шовқин-сурон кўп бўларди, — дейилади мақолада. — Ҳозир кечқурун соат 6 дан кейин шаҳарда ҳаракат тўхтагандек туюлади. Чунки, ишдан кейин ҳамма уй-уйига чопади, қонли ҳодисалар ҳақида эшитмаган бўлса ҳам Тошкент аҳолиси кечаси уйидан чиқмай ўтиришни маъқул кўради. Ўзбекистон газеталари эса ҳар хил қонли ҳодисалар ҳақида Москва газеталари каби ёзавермайди. Шаҳар фақат дам олиш кунлари жонланади. Эрталаб кўчага чиқиб бир нарсани сездим. Илгарилари яхши кийинишни ҳуш кўрадиган тошкентликлар ҳозир оддийгина кийинишади. Кўринишидан эскиларини кийиб тугатишаётибди... Одамларнинг чеҳраси қайғули, ташвишли бўлиб кўринади".

Бу жумлаларни эшитиб, кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан киши. Екатерина Бухарская Тошкентга ғаразли ниятда қийшиқ кўзгу билан келганику аниқ, бироқ "Озодлик"даги ҳамкасбларчи. Улар Тошкентда бўлишганда шаҳарнинг гавжум кўчаларини бир эмас, бир неча бор кезишганини яхши биламизку?

Мақоланинг давоми янада ваҳимали, иғвогарона; "Тошкентда Оврўпаликларни кам учратасиз. Тошкент яқин кунларда интернационал шаҳар бўлмай қоладиганга ўхшайди. Ҳозир Тошкентдан ҳамма греклар, немислар, яҳудийлар кўчиб кетган. Ўзбекистондаги нотинч ҳолатдан чўчиган руслар ҳам кетиш тараддудида"...

Ана холос. Ахир, Ўзбекистондаги турли миллат вакиллари собиқ СССРдаги энг тинч, осойишта жой Ўзбекистон дейишмоқдаку! Ҳатто, шоша-пиша жўнаб қолган кишилар кўч-кўронини орқалаб, яна қайтиб келяпти. Бунга мисоллар оз эмас.

Ҳозир Ўзбекистон радиосида рус, яҳудий, тожик, қозоқ, татар, корейс, грек миллатига мансуб журналистлар ишлайди. Екатерина Бухарскаянинг мақоласи ўқилганидан сўнг бу ҳамкасбларимиз хафа бўлишди, "ахир бу ғирт туҳматку, дейишди. Эҳтимол, "Озодлик"дагилар бунга муаллиф жавоб беради, биз фақат таржимасини бердик, деб ўзларини овутишар. Лекин виждон азобичи? Ўз ватанини обрўсизлантириш ўзбекка хосми?

Ватанимизга, халқимизга туҳмат қилаётган, Россия газеталари тўқиб чиқараётган дийдиёларни ҳеч жирканмай ўзбек тилига таржима қилиб эфирга бераётганларга ардоқли шоиримиз Абдулла Орифнинг қуйидаги сатрлари билан жавоб берса бўлади:

О, халқим, очиқ кўнгил - ҳотамсан азал,
Атойи худо де майли меҳмонни.
Лекин нонкўрларни учратган маҳал
Оғзинга тиқ энди типратиконни.

"Озодлик"нинг "мактублар" деган дастури бор. Илгари бу дастурни муҳтарам Темир Хўжа олиб борар эди. Ҳозир бу вазифани Азизулло Орол уддалаётир. Тан бериш керак, чиройли гапиради. Овози эфирга яхши тушади. Унинг талаффузида шевага дахлдор нуқсонлар йўқ. Айтишларича, Азизулло Орол Тошкентда таҳсил олган экан. Мактубларни чиройли ўқийдиган яна бир касбдошимиз Дилдора Музаффарийдир. У тошкентлик. Тақдир уни Олмонияга ташлаганидан хабардормиз. Буларни таништириб ўтишимизнинг боиси шундаки, улар баъзан касб одобига амал қилмай, мактубларни ғанлаб эфирга тайёрлашдек нозик ишга бир томонлама ёндошадилар.

Фактларга мурожаат қилайлик. Бир ой чамаси олдин "озодлик"дан ҳозир Данияда дайдиб юрган Ольга ва Юрий деган (агар шундай одамлар чиндан ҳам бор бўлса) кимсаларнинг хати ўқилди. Хатнинг мазмуни бундай: бу кимсалар рус бўлганликлари учун ҳам Ўзбекистондан қувғин қилинганмиш. Умуман, бизда русларга ишлаш ва яшаш учун имкон йўқмиш. Оля ва Юрага ўхшаганларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол қилинаётганмиш...

Эҳтимол бу хатни рус бўлимидагилар ташкил қилиб, ўзбек тилида берилишига эришгандирлар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз Ўзбекистонда яшаб туриб, биронта рус ёки бошқа миллат кишиси қувғин қилинганини билмаймиз. Ўзбек биродарларимиз ўйламай-нетмай шундай хатларни мароқ билан ўқиётганликларини қандай баҳолашни билмай қолдик. "Озодлик"дагилар хат танлашда асосан бир мезонга амал қиладилар, оз сонли халқлар қуролланиши керак, дейишди ғаразгўйлик билан. Натижа чиқмади.

Ўзбекистон иқтисодий инқироз бўсағасида, эрта-индин бу боқиманда республика ўйламай қўйилган қадам — мустақилликнинг аччиқ сабоғини татиб кўради,деб чиранишди. Яна натижа йўқ.

Бу "башорат" ҳам пуч бўлиб чиққач, "Озодлик"дагилар Ўзбекистон қайси йўлдан боради, деган "масала" атрофида баҳс бошлаб юборишди. Аввал ислом фундаментализми, миллий коммунизм, шўролар тузумига қайтиш, эронча ривожланиш, хитойча ислоҳот рўкач қилинди. Кейин Ўзбекистонни гоҳ у, гоҳ бу ёққа оғиб кетишда гумонсирадилар... бугун ҳаммаси ойдинлашди — Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан боряпти.Бу йўл бирор давлатдан андоза кўчирмай, тараққий этган давлатлардаги энг яхши андозаларни ўрганиб, маъқул жиҳатларини маҳаллий шарт-шароитлар ва тарихий тараққиёт қонуниятларидан келиб чиқиб қўллаш йўлидир. Энди унга ёрдам бериш, у билан ҳамкорлик қилиш, ҳеч бўлмаса, фисқи фасод қилавермай, тинч қўйиш зарур!

Биз "Озодлик" радиоси ўзбек шўъбасининг айрим ходимларини танийиб, айримлари билан мулоқотда бўлганмиз, баъзиларининг Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини эшитганмиз. Муҳтарам Ёқуб Туроннинг ватан озодлиги, миллат шаъни ҳақидаги жўшқин сўзларини эшитганмиз. Туркистонлик Жомбой ўзини шу юртнинг фарзанди деб билади. У радиомиз биносида Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини мамнуният билан сўзлаб берган. Яқинда Ўзбекистонда "Озодлик" радиосининг яна бир етакчи ходими — Анваржон меҳмон бўлди. Камтарин, мулоҳазали, иптифотли бу йигит билан узоқ суҳбатлашдик. Биз унга "рус матбуоти садолари" дастури ҳақидаги ўз фикримизни айтдик, баъзи эшиттиришлардаги ноаниқликлар, бир ёқламаликлар ҳақида гапирдик. Ўзбекистондаги сиёсий-иқтисодий вазият ва Президентимизнинг ташаббуслари ҳақида маълумот бердик — биз-нингча, у фикримизни тушуниб қабул қилди. Анваржон Ўзбекистонга, айниқса, Самарқанд ва Бухорога қилган сафаридан битмас-туганмас таассуротлар билан қайтди.

Ўзбекистон ҳаммамизнинг юртимиз, барча туркистонликларнинг ватани, сиёсий гуруҳбозлик, ижтимоий тарқоқлик, эътиқодсизлик ва мунофиқлик ватан келажагига зиён етказади. Агар эсингизда бўлса, 1991 йилнинг сентябрь ойида дунёдаги миллионлаб туркистонликлар Ўзбекистондаги юртдошлари билан истиқлол қувончини баҳам кўраётган кунларда Тошкентда ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви бўлиб ўтган эди. Ўша учрашувда ҳаммамизнинг дилимиздаги эзгу ниятлар ифодаланган бир ҳужжат қабул қилинди. Мақоламиз охирида ана шу ҳужжатдан бир парча келтириб ўтмоқчимиз. Зора ундаги фикрлар яширин сиёсий мақсадларга хизмат қиладиган қийшиқ кўзгуларнинг чил-чил синишига сабаб бўлса. "Аждодларимиз орзу қилиб етолмаган мустақиллик бугун бизларга насиб қилган экан, қаерда яшашимиздан қатъий назар, мустақилликнинг бундан буёнги тақдири учун жавобгарлик маъсулияти зиммамизда турганини унутмаймиз", — дейилади мазкур анжуман қатнашчиларининг мурожаатида. — Эрксевар миллатимизнинг тақдири, авлодларимизнинг бахти келажаги ҳал бўлаётган айни шу тарихий кунларда Ўзбекистондаги, бошқа жумҳуриятлардаги, хорижий мамлакатлардаги ватандошларимизни ҳар қачонгидан ҳам ҳушёр, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга даъват қиламиз. Агар мустақиллик азалий ва асосий мақсадимиз бўлса, айни пайтда муҳолифлик заминда турган барча сиёсий фирқалар, мужоҳидлик кайфиятидаги барча кучларни даъволардан кечишга, мустақиллик байроғи остида муросага келишга чақирамиз. Акс ҳолда мустақиллик қуруқ гап бўлиб қолаверади, ўзларимиз эса аввалгидек табиатимизга, имонимизга зид маккор сиёсат қурбони бўлаверамиз".

Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон халқ депутати, давлат телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон радиоси бош директорининг ўринбосари.

• *Таҳрирсиз хатлар*

«ТОШКЕНТ—ФАХРИМ, ТАЯНЧИМ, УМИДИМ...»

Таҳририятимизга корейс, миллатига мансуб, сочини оқ оралаган, ёши элликлар атрофидаги киши келиб, мақола тарзида ёзилган икки варақ машкини тутқазди. Ўзини Николай Борисович Егай, деб таништирган меҳмонимиз ўзбек тилида равон гапириш билан бирга бинойидай ёзар ҳам экан. Шу боис қуйида унинг илк бор газетамизга олиб келган машкини таҳрирсиз беришга қарор қилдик.

Эҳтимол, гапларим жуда эриш туюлар. Лекин менимча, ҳаётимизни ўзгартириш учун имкониятлар бор. Фақат ҳаракат қилишимиз зарур, ўз муаммоларимизни ўзимиз ҳал этишимиз даркор. Бунинг учун энг аввало республикамиз Президенти таъкидлаётганидек, тинчлик, фуқаролар аҳиллиги керакдир.

Мен — бинокорман. 1966 йилда Тошкент зилзиласидан сўнг бу табиий офат вайрон қилган шаҳарни қайта тиклаш учун «Главленинградстрой» — қўплар қатори мени ҳам юборди. Биз Чилонзор туманини бунёд этишда иштирок этдик. Ўшандан буён жуда кўп сувлар оқиб ўтди.

Бугунги Тошкент шу қадар гўзалки, уни таърифлашга сўз топиш мушкул. Санъат саройи, Навоий театри, «Ўзбекистон», «Чорсу», меҳмонхоналари, Марказий хиёбон, Мустақиллик майдони, Эски шаҳардаги марказий бозор ва бошқа кўпгина гўзал бино ва майдонлар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Тошкент — фахрим, таянчим, умидим менинг. Халқ меҳнати билан яратилган санъат асари бўлган биноларни, маданий ёдгорликларни сақлашга маданиятни, қолаверса, халқлар дўстлигини яхшилаб, қурилган биноларни ҳимоя қилишга тошкентликларни даъват этаман. Ишонаманки, юртимиз тинчлиги ишончли қўлларда. Зеро, шоир айтганидек «Ўлкамиз жаннатга монанд». Бас, шундай экан, унинг гуллаб-яшнаши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз лозим. Бу бизнинг, ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Николай ЕГАЙ.

АДОЛАТЛИ ИШ БЎЛАРДИ

Маълум бўлишича, республикамизда 600 дан ортиқ деҳқон бозори бор. Улардан кунлик чиптадан келаётган пул даромади мутлақо талабга жавоб бермаётир. Пул давлат кассасига эмас, кимларнингдир хамёнига тушиб кетяпти. Бу ҳақда кўп бор айтилмоқда. Лекин ўзгариш сезилмаяпти. Назаримизда, бозорларни доимий назоратга олиш лозим. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, солиқ инспекторлари жамоатчилик кўмагида қонунбузарликнинг бирорта кўринишини эътиборсиз қолдирмасалар айни муддао бўларди. Ана шунда биргина бозорларнинг ўзидан республика давлат ҳазинасига миллионлаб пул тушарди.

Республикамизнинг ҳар бир маҳалласида ҳар хил ҳунар эгалари бор. Маҳалла қўмита бошлиқлари ҳунар билан ҳаёт кечирувчилар рўйхатини олиб, солиқ инспекторига берсалар ҳам қонуний, ҳам адолатли иш қилган бўларди. Биз «Пахтакор» маҳалласи фаоллари барча маҳалла қўмиталарини давлат хазинасини тўлдиришга даъват қиламиз. Биз бошлаган иш давлат қарамоғида яшаётган кексаларни, етимесирларни, қолаверса, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Акмал Икромов туманидаги, «Пахтакор» маҳалла меҳнат фахрийлари ва уруш қатнашчилари номидан
Ҳамид ҒУЛОМОВ,
Маҳмуджон УМИДОВ.

ЗЎРАВОННИНГ СОЯБОНИ КИМ?

Ҳамза шаҳридаги Марғилон кўчасида яшовчи М. Узоқов ўтган йили ўғлини уйлантирган эди. Никоҳ маросими чўзилиб, кеч соат 9 лар бўлиб қолди. Тўй рамси. У. Мусинов энди сўзга чиқишни тўхтатиб, маросимга якун ясашни таклиф этди. Шу пайт Рустам Тошбоев исмли шахс даврага чиқиб, зўрлик билан микрофонни олиб, ўтирганларга нисбатан ҳурматсизлик кўрсата бошлади. Мен маҳалла қўмитасининг аъзоси сифатида ўртага чиқиб Рустамни тартибга чақирдим. Тошбоев мени қаҳратлай бошлади. Урмоқчи бўлиб ҳезланди. Одамлар ўртага тушиб уни четга олиб чиқишди. Шу пайт даврага унинг акаси, милиция ходими Аваз Раҳимов кириб келди. Ҳаммамиз «Энди у укасига танбеҳ бериб, уйига олиб кетса керак», деб турувдик. Йўқ, осойишталик посбонининг ўзи ўртада бақириб-чақириб, оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади. Маҳалла оқсоқоли ва мени оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлади.

Ноилож милиция чақиришга мажбур бўлдик. Милиция бўлимаси идорасида ҳам безори ака-укалар шаштларидан тушмадилар. Аксинча А. Раҳимов маҳалла қўмитаси раиси А. Орифжоновнинг соқолидан ушлаб, тортди, ҳақоратлади. Менга эса «ўлдираман», дея дўқ-пўписа қилди.

Ички ишлар ходими деб аталмиш шарафли номга исмод келтирган А. Раҳимов устидан Олтиариқ тумани прокуратурасига шикоят аризаси бергандик. Прокуратура А. Раҳимов ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 204-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд бўлса-да (!), лекин унинг муқаддам судланмаганлиги, шундай жиноятни биринчи марта қилганлиги, иш жойидан ижобий характеринишини (!) ҳисобга олиб ишни ўртоқлик судига оширди. Мен норози бўлиб вилоят прокуратурасига ариза бердим. Натижада А. Раҳимовга нисбатан 1994 йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 204-моддаси 2-қисми аломатлари билан жиноий иш қўзғатилди. Бироқ, орадан 8 ой ўтяпти ҳамки, бу иш ниҳоясига етказилмай турибди. А. Раҳимов ҳеч нарса бўлмагандек юрибди. Фарғона вилоят ички ишлар бошқармасига, бошқа идораларга ёзган хатларимга эса ҳеч қандай жавоб олмадим.

Юртбошимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида маҳаллаларда айрим «ўпкаси йўқ» зўравонлар пайдо бўлаётганидан аҳоли ташвишланаётганини айтиб ўтган эдилар. Маҳалла-ку бундайларнинг жазосини ўзига хос усулда беради. Аммо А. Раҳимов ишининг ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан пайсалга солинаётганидан таажжубдамиз! Ёки бу зўравоннинг бирорта бақувват соябони бормикин!

Азиз ҲАСАНОВ,
Фарғона вилояти Ҳамза шаҳри А. Қодирий кўчаси 20-уй.

ЎЙЛАМАЙ ГАПИРГАН...

Узбекистондаги барқарорликни, фуқаролар тотувлигини, қолаверса, миллий давлатчиликнинг қадам-бақадам тиклаиб бораётганини «ҳазм» қилолмаётган «дўст»ларимиз ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яқинда Москвада чиқадиган «Сегодня» газетаси ана шундай «гамхўрлик» намунасини кўрсатди. Бу «дўст»ларимизни «Ўзбек армияси»да қочоқларнинг кўпайиб бораётгани «ташвиш»га солибди. Умар Онгов деган рўйи заминда бор-йўқлиги номаълум кимсанинг мақоласида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида йўқ бўлинмалар тилга олиниб, улардан бирига баҳорда чақирилган 160 аскардан 30 таси қочиб кетгани, бир батальон эса «илғор» бўлиб, ундаги ҳар уч аскардан бири қочоқ экани баён қилинади. Гўё «Ўзбек армияси»да маҳаллийчилик авжга чиққан, хуллас, шунга ўхшаш бизга ўта «хайрихоҳлик» билан битилган сўзлар.

Армиядан қочиш, ҳарбий хизмат жойини ташлаб кетиш ҳоллари шавкатли совет армиясида ҳам рўй бериб турар, айниқса, шўро салтанатининг сўнгги йиллари бундай ҳодиса авжига чиққан эди. Яшириб нима қиламиз, бу «анъана» рўзгоримиз бошқа бўлгандан кейин ҳам маълум вақт давом этиб келди. Мудофаа вазирлигининг маълумотига кўра, бу кўрсаткич қуролли кучларда («Ўзбек армияси» деган атама умуман йўқ, қолаверса, ҳар нарсанинг ўз номи бўлади! Ҳарбий хизмат жойини ташлаб кетганлар сони (ички қўшинлар, чегара қўшинларида ҳам) ойдан ойга камайиб борган.

Майли, маълум маънода, «Сегодня» газетасининг «дунёқараши»ни, кимларнинг манфаатини кўзлаб иш тутишини тушунмоқ, ҳа, энди мингта дўст ичида битта ғайр ҳам бўлади-да, демоқ мумкиндир. Ажабланарли жойи шундаки, бу «луқман ҳалол»ни, собиқ ватандошимиз деймизми, Ватанни вақтинча тарк этган биродаримиз деймизми, қисқаси, Ўзбекистондаги воқеаларни «таҳлил» этиш борасида «ном қозонган» Ёдгор Обид «Озодлик» радиоси тингловчиларига «ярим таржимаю ярим шарҳ» қилиб берибдилар. Унинг таржимаси қандай «моҳирона» амалга оширилгани, Ёдгор Обид даҳанида қандай жаранглагани ҳусусида тўхталиб ўтирмаймиз. Бизни ҳайратга солган жиҳати шундаки, Ёдгор Обиднинг «илҳом»и жўш уриб, Умар Онговдан ҳам ошиб тушади, унинг мақоласига ўзидан қўшиб, «мантиқий» хулоса чиқаради ва куракда турмайдиган гаплар айтадики, уни ҳатто тилга олишга ҳам ҳар қандай виждонли одам ҳазар қилади.

Бир вақтлар ватанпарварман, халқим учун кўксимни қалқон қиламан деб жар солиб юрган одамдан келган оқибат шуми? Ўзи туғилиб ўсган юртга, она тупроққа «яхшилик» соғиниш, у билан «фахрланиш» шунчалик ҳам бўладими?

Бу саволларга жавоб излаб ўтирмаймиз, бу Ёдгор Обиднинг виждонига ҳавола!

Ўзбекистон тарихий, бир йили ўн йилларга тенг даврни бошдан кечиряпти. Давлатнинг истиқлолга эришиб, иқтисодиётини ўнглаб, оёққа туриб олишининг ўзи бўлмайди. Мустақил армия ҳусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу — машаққатли ва шарафли йўл. Унинг, табиийки, қийинчиликлари, муаммолари бўлади. Муҳими, йўлимиз—ниятимиз аниқ ва пок. Яна муҳими, биз ҳар қандай ҳолатда — оч ёки тўқмизми, яшашимиз осон ёки қийинми, бундан қатъи назар, ватанимиз ва халқимизнинг юзига оёқ босмаймиз. Яратган ҳеч кимни ана шу эътиқоддан мосуво этмасин!

А. АҲРОРОВ,
(ЎзА).

«Зилола» халқ дастаси Олтиариқ тумани меҳнат аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда. Даста иштирокчилари ҳар куни меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, уларни хушнуд этишяпти. Ансамблнинг мусиқа раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобилжон Юсупов жамоага ҳамиша бош-қош.

Суратда: Қобилжон Юсупов даста иштирокчилари билан.

Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.

• Спорт

• «ПАХТАКОР» ХОТИРАСИ •

ГЎЁ ЎКИРГАНДИ ЎЙИНГОҲ

Етмиш тўққизинчи йил. Ўн биринчи август. Шу куни ўзбекистонликлар қалбини ларзага солган фалокат юз берганди. Бутун бир жамоа — «Пахтакор» футболчилари авиация ҳалокатига учраб, самога юлдуздек сочилишганди. Дастлаб шум хабарга ҳар ким ҳам ишонмади. Футбол ишқибозлари лол. Бундай бўлиши мумкин эмас. Лекин фалокат юз бергани аниқ эди. Ўша кунлари футболга ҳеч қизиқмайдиган одамлар ҳам чуқур хаёлга ботди...

Орадан ўн беш йил ўтди. Ҳалокат сабаблари хусусида собиқ СССР прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича собиқ терговчисининг маълумотини эшитган ҳар қандай одам даҳшатга тушади. Унинг айтишича, ўша пайтдаги ҳукумат раҳбари учаётган ҳаво йўлини тозалаш учун Тошкент — Минск йўналишидаги самолёт «уриб» туширилган. Ана шу самолёт йўловчилари ичида «Пахтакор» ўйинчилари ҳам бўлган.

Авиаҳалокат Днепродзержинск районида юз берган. Ўша ерлик қоровулнинг хотирлашича, ярим тунда осмон бирдан ёришиб, кучли портлаш эшитилган. Ерга тушган темир-терсаклар ичида... Уёғини айтиш жуда даҳшат.

Ҳалокатдан уч кун илгари — 8 август куни «Пахтакор» — «Заря» (Ворошиловград) учрашуви бўлиб ўтди. Футболчиларимиз 3:1 ҳисобида ғалаба қилишганди. Мухлислар пахтакорчиларни сўнгги бор кўраётганини билишмасди. Кейинги беш турнинг тўрттасини ғалаба ва бир ўйинда дуранг қилган «Пахтакор» навбатдаги учрашувни «Динамо» (Минск) билан ўтказиши керак эди. Афсус. Шундай азамат йигитлар шаҳид кетишди.

Марҳум пахтакорчиларни хотирлаганда, уларнинг 1975—1979 йиллардаги ажойиб ўйинлари ёдга келади. Ўша кезлар Киев ва Тбилиси динамочиларининг довруғи ошган даврдаги эди. Улар чет эл майдонларида ҳам чиройли ўйинлар кўрсатиб, қитъа кубоги соҳиби бўлишганди. Олег Блохин, Виктор Колотов, Леонид Бурьяк, Давид Кипиани, Александр Чивадзе, Владимир Гуцаевларнинг номи Европада маълум ва машҳур эди. Бу футболчиларни эслашимизнинг боиси шуки, «Пахтакор» ҳар икки «Динамо» командасининг кушандаси саналарди.

1975 йил «Пахтакор» «Динамо» (Киев)ни икки бор мағлубиятга учратган. Украинада 1:0, Тошкентда 5:0 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалаба қилишганди. 1978 йил баҳорида Тошкентда «Динамо» (Тбилиси) билан ўтказилган учрашувни футбол мухлислари яхши эслашади. Стадион футбол ишқибозлари билан лиқ тўла. М. Ан, В. Фёдоров, Ю. Загуменнихларнинг Д. Кипиани, М. Мачаидзе, О. Габелиялар билан чинакам «олишув»и бошланди. Шу куни Европанинг номдор клуби таслим бўлди — 3:0. «Пахтакор» ғалаба қилди.

«Пахтакор—79» ҳақида гап кетса, мухлислар ҳар бир футболчининг номини армон билан тилга олади. Ҳаммаси ажойиб футболчилар эдилар. Тўпни майдоннинг исталган нуқтасига аниқ етказиб беришда Михаил Анга тенг келадигани топилмасди, ҳимоячи Олим Ашировдан мана-ман деган ҳужумчи ҳам ҳайиқарди. Чаққонлик ва абжирликда Владимир Фёдоров олдига тушадигани йўқ эди.

1976 йил Фёдоров ва Ан Европа биринчилиги ўйинларида иштирок этиб, қитъа чемпиони бўлишди. Ҳал қилувчи учрашувда Владимир Фёдоров урган гол энг чиройли киритилган тўплардан бири сифатида ҳамон мухлислар хотирасида. Айнан ўша ўйинларда кўрсатган маҳорати туфайли Фёдоров собиқ СССР Олимпиада командаси таркибига киритилди.

У ишончли оқлади ва олимпиаданинг бронза медалига сазовор бўлди. Александр Корченовни эса майдонда «ишлаши» учун ҳурмат қилишарди. Сергей Покатилов ажойиб дарвозабон эди, Шуҳрат Эшбўтаев ўзбекнинг Пелеси дея ном олганди.

Ким билсин, улар авиация ҳалокатига учраб ҳалок бўлишмаганда, ўша йили «Пахтакор» чемпионатнинг совринли ўриндиқларини олармиди?! Ўзбекистон футболи ривож топиб «Пахтакор»ни жаҳон майдонида кўрардик.

Ҳалокатдан сўнг кўп ўтмай бутунлай янги команда тузилди. Сафар учрашувидан кейин янги «Пахтакор»нинг Тошкентдаги биринчи ўйини «Динамо» (Тбилиси) билан бўлди. Ҳамма стадионга ошиққан. Зеро, илгаригидай ҳайқириқлар йўқ. Ҳамма ғамгин, маъюс. Ўйингоҳ лиқ тўла бўлишига қарамай овоз эшитилмайди. Кўзда ёш билан телевизорга термулганларни айтмайсизми?

Ўйингоҳ узра дикторнинг синиқ овози эшитилиши билан ҳамма оёққа қалқийди. Гўё ўкириб йиғлайди бутун ўйингоҳ. Диктор номма-ном санайди: **Михаил Ан, Олимжон Аширов, Константин Баканов, Юрий Загуменних, Равиль Агишев, Александр Корчёнов, Николай Куликов, Сирожиддин Бозоров, Сергей Покатилов, Виктор Чуркин, Владимир Собиров, Владимир Фёдоров, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Макаров, Идгай Тазетдинов, Мансур Толибжонов, Владимир Чумаков...** Ҳаммани армонда қолдириб самода учган 17 «юлдуз» шулар.

Ўн беш йилдирки, армонимизнинг чек-чегараси йўқ. Ўша йили туғилган гўдак бугун балоғат ёшида, ўша йили экилган ниҳол неча бор ҳосилга кирди. Лекин қисқа умр кўриб, катта ўзбек футболини яратганлар алами ҳамон дилни ўртайди. Уларнинг чиройли ўйинларини ҳамон қўмсаймиз...

Равшан ШОДИЕВ.

• Особиштолик—эл бойлиги

Самарқандда ички ишлар профилактика хизмати органлари ходимларининг республика семинар-кенгаши бўлди. Унда қадимий анъаналарга эга бўлган Самарқанд маҳаллаларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизмати бошқармасининг бошлиғи Б. Парпиев маъруза қилди.

МАҲАЛЛА ТИНЧ БЎЛСА

Семинар кенгаш учун Самарқанднинг танланиши бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда вилоятда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ёрдамида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай свўъи-ҳаракатлар туфайли ўтган ярим йил ичида оғир жиноятлар 7,5, жамоа жойлардаги ва кўчалардаги жиноятлар 9,9, шунингдек муқаддам судланганлар томонидан қилинган жиноятлар 10,7, вояга етмаганлар томонидан қилинган жиноятлар эса 2,6 фоизга камайди. Ички ишлар бўлими идоралари маҳалла қўмиталари ва жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг миқёсда ташкилий-тарбиявий тадбирларни ўтказмоқдалар.

Анжуман қатнашчилари ҳозирги шароитда участка инспектори нуфузини янада ошириш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидладилар. Музокарага чиққан Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Бобоқулов, Тошкент шаҳар ҳокимияти профилактика хизмати бошқармаси бошлиғи С. Раупов, Самарқанд вилоят ҳокимияти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари У. Тўлаев, Самарқанд қурилиш меъморчилик институти ректори Р. Холмуродов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси А. Малиев ва бошқалар бу борада ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Бир сўз билан айтганда, бундан кейин эл осойиштолигини таъминлашда, жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик фаоллигини кучайтириш асосий вазифа эканлиги таъкидланди.

Г. РУСТАМОВ,
Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси профилактик хизмат бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Истиқлол байрамининг уч йиллигини муносиб нишонлашга мамлакатимиз спорт жамоатчилиги ҳам алоҳида ҳозирлик кўрмоқда.

Футбол мухлислари 3 сентябрь куни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида бошланадиган ўзига хос спорт байрамининг шоҳиди бўладилар. Бундай тадбирни ўтказишда республика футбол уюшмаси билан Ўзбекистон — Голландиянинг «АЕС» фирмаси ташаббус кўрсатдилар. Футбол байрамининг дастури ранг-баранг бўлиб, жамоалар ўртасида 45 минутли учрашувлар ўтказилиши ва ютқизган ўйиндан чиқади тартибида кучлиларни саралаб, совринли ўрин учун баҳс уюштирилиши мўлжалланган. Тошкентга Голландиянинг «Витесс» ҳамда «НЕС» клубларининг келиши кутилмоқда. Шунингдек, республика миллий ва олимпиада терма жамоалари ҳамда клуб жамоаларидан бирортасининг ўйнаши кўзда тутилган. Учрашувлар катта концерт тантаналари билан уйғунлашиб кетади. Спорт лотереяси ўйналади. Муҳими, «АЕС» фирмасининг хомийлигида бу тантаналарни Евровиденнега олиб кўрсатиш мўлжалланмоқда.

УЧРАШУВДАН КЎНГИЛ ТЎЛМАДИ

Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Яхши ният ўйинлари» халқаро мусобақасининг тантанали ёпилиши бу сафар ўзига хос бўлди.

Маълумки, бир неча кун давом этган қизғин баҳсларда Россия спортчилари ҳаммадан кўп — 68 та олтин, 60 та кумуш, 53 та бронза медалига эга бўлиб, норасмий равишда пешқадамлик қилишди. АҚШ ва Хитой терма жамоалари бу борада иккинчи ва учинчи ўринлар билан қаноатландилар. Биринчи марта истиқлол юртимизнинг мустақил терма жамоасини ташкил қилган 9 спортчимиз учта бронза медалига эга бўлишгани ҳақида хабар қилган эдик. Мухлислар халқаро мусобақанинг тантанали ёпилиши унутилмас таассуротларга бой бўлади, деб кутган эдилар. Ташкилотчилар эса халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишни лозим топишди. Жаҳон ва Россия терма футбол жамоалари учрашувида 1:2 ҳисоби қайд этилди. Қизиғи шундаки, меҳмонлар байрамона кайфиятда тўп суришган бўлса, майдон эгаларининг бир нимадан «қуруқ» қоладигандай ҳаракат қилишлари ишқибозлар ғашига тегди.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зararлидир!

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 25 АВГУСТДА КЎЧМАС МУЛКЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН НАВБАТДАГИ КИМ ОШДИ САВДОСИГА ИШБИЛАРМОН КИШИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Савдога қуйидагилар қўйилмоқда:

1. АНДИЖОН ТУМАНИДАГИ «ЁШЛИК» ҚАҲВАХОНАСИ.

Боғишамол оромгоҳида жойлашган, бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, ойнали, томи бетон плитали, 1989 йилда ишга туширилган. Майдони 150 кв. м.

Бошланғич баҳоси — 43 минг сўм.

2. БАЛИҚЧИ ТУМАНИДАГИ ҲАММОМ.

Олимбек қишлоғида жойлашган, икки қаватли бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилган. 1960 йилда ишга туширилган. Майдони 516 кв. м. Боғи ҳам бор.

Бошланғич баҳоси — 16 минг сўм.

3. ЧОЙХОНА ҚАССОБХОНАСИ БИЛАН.

Қўрғонтепа туманидаги «Савай» жамоа хўжалигида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, ертўласи ҳам бор. 1993 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 200 минг сўм.

4. ЧОЙХОНА.

Андижон туманидаги А. Бакиров номли жамоа хўжалигида жойлашган. Ярми икки қаватли, ярми бир қаватли залдан иборат. Газлаштирилган. Майдони 0,17 га. 1951 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 114 минг сўм.

5. ҲАММОМ.

Қўрғонтепа туманидаги «Савай» жамоа хўжалигида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 1971 йилда ишга туширилган. Майдони 2330 кв. м.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

6. ҲАММОМ.

Олтинкўл туманидаги Чинобод кўчасида жойлашган. Умумий ер майдони 4000 кв. м. 1992 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 150 минг сўм.

7. ҲАММОМ.

Олтинкўл туманидаги Сарой қишлоғида жойлашган. Умумий ер майдони 0,35 га. 1988 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 90 минг сўм.

8. «СОҲИБКОР» ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ.

Булоқбоши туманидаги Майариқ қишлоғида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. Майдони 403 кв. м. 1991 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 340 минг сўм.

9. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН СПОРТ ЗАЛИ.

Андижон шаҳрининг К. Цеткин даҳасида жойлашган, майдони 0,68 га.

Бошланғич баҳоси — 900 минг сўм.

10. ҲАММОМ.

Пахтаобод туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган. Икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. Майдони 400 кв. м. 1976 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 210 минг сўм.

11. ҲАММОМ.

Комсомолобод туманида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган. 0,60 га ери бор, иситиш тизими суюқ ёқилғига мослаштирилган. Ичимлик суви бор. 1986 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 38 минг сўм.

12. МЕҲМОНХОНА.

Бўз туманидаги «Ўрмон» давлат мулки дам олиш зонасида жойлашган. Икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 11 хонадан иборат. 1979 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

Андижон шаҳрининг Бўстон даҳасидаги 56 хонадонли уй хонадонлари:

13. 1-ХОНАДОН, бир хонали, биринчи қаватда жойлашган. Умумий майдони 41,2 кв. м. Яшаш жойи майдони 16,7 кв. м. Балкони бор, газ ва сув билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 21 минг сўм.

14. 6-ХОНАДОН, икки хонали, иккинчи қаватда жойлашган. Умумий майдони 57,3 кв. м. Яшаш жойи майдони 29,5 кв. м. Балкони бор, газ ва сув билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

15. 12-ХОНАДОН, икки хонали, тўртинчи қаватда жойлашган, умумий майдони 57,3 кв. м. Яшаш жой майдони 41,6 кв. м. Балкони бор, газ ва сув билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 29 минг сўм.

16. 18-ХОНАДОН, уч хонали, учинчи қаватда жойлашган. Умумий майдони 75,8 кв. м. Яшаш жой майдони 41,6 кв. м. Балкони бор, газ ва сув билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 35 минг сўм.

17. «ГАЗ-66» ЮК МАШИНАЛАРИ (4 ТА).

Ўзи ағдарувчи юк машиналари 1994 йилда ишлаб чиқарилган.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 160 минг сўм.

ТЕЛЕФОНЛАР: 5-04-74, 5-16-43.

КЎЧМАС МУЛК—БУ ДОИМИЙ САРМОЯ!

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ

Ишбилармон кишиларни 19 августда ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилмоқда:

НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «САВДО МАРКАЗИ»

Икки қаватли пишиқ ғишт ва темир бетондан қурилган замонавий бино.

Бошланғич баҳоси — 1000 минг сўм.

НАВОИЙ ШАҲАР МИР КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН АВТОБУС БЕКАТИ

Навоий шаҳар деҳқон бозорининг қаршисидаги айланма йўл ёқасида жойлашган, майдони бетон қоришма билан қопланган.

Бошланғич баҳоси — 2 минг сўм.

НАВОИЙ ШАҲАР ГОРЬКИЙ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН АВТОБУС БЕКАТИ

Навоий шаҳар деҳқон бозорининг қаршисидаги айланма йўл ёқасида жойлашган, майдони бетон қоришма билан қопланган.

Бошланғич баҳоси — 3 минг сўм.

«САНОАТ МОЛЛАРИ» МАГАЗИНИ

Навоий шаҳар Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган, 1973 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 27 минг сўм.

«ОЗИҚ-ОВҚАТ» МОЛЛАРИ МАГАЗИНИ

Навоий шаҳар Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган. 1973 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 27 минг сўм.

«ОШХОНА» БИНОСИ

Навоий шаҳар, Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган, 1973 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 21 минг сўм.

«ҚАРМАНА» МЕҲМОНХОНАСИ

Қармана шаҳар марказида пишиқ ғиштдан қурилган, 2 қаватли.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

«ТИНЧЛИК» ОШХОНАСИ

«Тинчлик» қўрғонида жойлашган. 1979 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

«ҚОНИМЕХ» МЕҲМОНХОНАСИ

Қонимех туман марказида жойлашган. 1985 йилда қурилган, 40 ўринли.

Бошланғич баҳоси — 35 минг сўм.

«ОҚТЕПА» ОШХОНАСИ

Навоий — Нурота йўлининг 20-километрида, тоғ бағрида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 25 минг сўм.

3-СОНЛИ ҲАММОМ

Нурота туман марказида жойлашган, 1992 йилда шарқона усулда қурилган, 3 та гумбазли, 1 қаватли.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

КЎЧМАС МУЛК — ДОИМО ҚАДРЛИДИР!

Маълумотлар олиш учун Навоий шаҳридаги телефонлар: 3-39-90, 3-44-81, 3-07-29, 3-74-60.

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 18 гача (шанба куни соат 9 дан 13 гача) шаҳар ҳокимлиги биносида қабул қилинади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз ҚОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-13.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, А. ПУЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 21.00. 123456.